

Молиявий Инвестициялар Ва Узоқ Муддатли Инвестицияларни Ҳисобда Акс Эттиришнинг Амалий Жиҳатлари

Н. Рузметов Шароф Рашидов

Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

Ш. Туйчиев Шароф Рашидов

Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О. Н. Хаитов Шароф Рашидов

Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали ассистенти

Аннотация: мазкур мақолада саноат корхоналарида ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш маъмурий ишчилар нисбатини оптималлаштириш, персонални тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти йўқолишини камайтириш билан боғлиқдир. Иш вақти фондининг максимал фойдаланиш коэффициенти (бундан кейин персоналдан фойдаланиш коэффициенти деб юритилади) меҳнатнинг мазмунини тавсифлайди.

Таянч сўзлар: саноат корхоналари, қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида тўғриҳисобга олиш ва улар ҳақида ахборотни очиқ беришда «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» номли 12-сонли БҲМС (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 16 январда 596-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) дан фойдаланилади.

Узоқ муддатли инвестицияларга қисқа муддатли (жорий) инвестициядан ташқари барча инвестициялар қиради.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларга эгалик қилиш муддати бир йилдан ошадиган узоқ муддатли активлар сифатида кўрсатишлари лозим.

Бухгалтерия ҳисобида узоқ муддатли инвестициялар қўйидаги счётларда ҳисобга олинади:

0600 Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар

0610 Қимматли қоғозлар

0620 Шўъба жамиятларига инвестициялар 0630 Қарам жамиятларига инвестициялар

0640 Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар 0690 Бошқа узоқ муддатли инвестициялар

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Молиявий инвестициялар сотиб олинганда уларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган барча ҳақиқий харажатлар брокер хизматлари, банк хизматлари, поштина (тўловлар) ва бошқа харажатлар суммасида қабул қилинади ва харид нархи бўйича баҳоланади.

Агар инвестициялар акция ва бошқа қимматли қоғозларни қисман ёки тўлиқ эмиссияси орқали харид қилинса, сотиб олиш қиймати чиқарилган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати эмас, жорий қиймати бўйича ҳисобга олинади. Агар инвестициялар қисман ёки тўлиқ бошқа активларга алмаштириш орқали харид қилинса, унда ушбу активнинг жорий қийматида ҳисобга олинади.

Молиявий инвестицияларни олинган пайтгача бўлган давр учун фоизлар улуши, ҳисобланган дивидендларни ўз ичига олган харид қиймати бўйича харид қилиш харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар миқдорини чиқариб ташлаб, харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Инвестицияларнинг харид қиймати билан қарзга берилган қимматли қоғозларни тўлаш қиймати ўртасидаги тафовут (дисконт ёки харид қилиш чоғида мукофот тарзида берилган маблағ) инвестор томонидан инвестициялар бўйича доимий даромад бўлиши учун харид қилинган пайтдан бошлаб қарз тўланган пайтгача ҳисобдан ўчирилади.

Узоқ муддатли активлар сифатида тасниф этилган инвестициялар бухгалтерия балансида:

- a) харид қиймати бўйича;
- b) қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;
- c) харид қиймати ва бозор қийматининг умумий инвестициялар усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш учун қайта баҳолашнинг амалга ошириш даврийлигини, шу жумладан узоқ муддатли инвестициялар тоифаларини аниқлаш зарур.

Баланс қийматининг вақтинча пасайишини истисно этган ҳолда инвестициялар қиймати камайган тақдирда барча узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати камайтирилади. Бундай камайтириш ҳар бир молиявий кўйилма бўйича аниқланади ва тайёрланади.

Узоқ муддатли инвестициялар харид қиймати бўйича ҳисобга олинади. Узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати муқаррар камайиб борган тақдирда бу инвестицияларнинг баланс қиймати ҳар бир инвестиция бўйича алоҳида камайтирилиши лозим. Бундай ҳолларда хатарнинг турлари, инвестиция қилинаётган субъектда инвесторнинг улуши эътиборга олинади.

Узоқ муддатли инвестициялар баланс қийматининг вақтинча пасайиши ҳисобда акс эттирилмайди. Молиявий инвестицияларнинг баланс қийматини қайта баҳолаш қандай амалга оширилади

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўлган кўшимча баҳолаш миқдори ўз сармоясига қайта баҳолашдан келган даромад сифатида қўшилади. Молиявий инвестициялар қиймати камайган тақдирда камайтириш ўз сармоясига акс эттирилган ўша инвестицияларни баҳолаш қиймати ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматини камайтириш миқдори қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан кўп бўлса, бу тафовут харажат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни кўшимча баҳолаш миқдори шу инвестициялардан келган зарар қоплангандан сўнг ўз сармоясига кўпайишига киритилади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланади: йилига 1 марта, ярим йилда 1 марта ва ҳ. к.

Узоқ муддатли молиявий инвестиция қийматининг қайта баҳолаш натижасида ўсиши даромад сифатида корхона хусусий капиталига олиб борилади, яъни Дт 0610 Кт 8510 сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Узоқ муддатли молиявий инвестиция қийматининг пасайиши – қайта баҳолаш натижаси харажат сифатида акс эттирилади, яъни Дт 9690 Кт 0610 бўлади.

Инвестицияларни сотишда сотишдан олинган тушум ва инвестициянинг баланс қиймати ўртасидаги фарқи (брокер ёки дилерхизматлари харажатлари чегирилган ҳолда) даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қисқа муддатли (жорий) инвестициялар таркибига ўтказилса, уларни сотиб олиш қиймати ёки бозор қиймати усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинган бўлиши зарур, агар қисқа муддатли инвестициялар: сотиб олиш ва бозор қийматининг умумий инвестициялар усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинган бўлса.

Агар узоқ муддатли инвестициялар илгари қайта баҳоланган бўлса, қисқа муддатли (жорий) инвестициялар таркибига ўтказиш жараёнида ушбу қисқа муддатли (жорий) инвестициялар бозор қийматида ҳисобга олинса, қайта баҳолаш суммаси қисқа муддатли (жорий) инвестициялар баланс қийматидан ҳисобдан чиқарилади.

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар аналитик ҳисобини қўйилмалар турига (пайлар, акциялар, облигациялар ва бошқалар) ва объектларига (қимматли қоғозлар қайси корхона-эмитентдан олинганлигини) ажратиб ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Молиявий инвестициялар аналитик ҳисоби тўлиқ ва аниқ маълумотлар олишини таъминлаши зарур.

Бунинг учун корхона ихтиёридаги барча қимматли қоғозлар махсус журналда акс эттирилади. Журналда қуйидаги реквизитларни келтириш керак: корхона-эмитент номи, қимматли қоғознинг номинал ва харид қиймати, серияси, рақами, жами сони, сотиб олиш санаси, сотиш санаси ва ҳоказо.

Шунингдек, корхонанинг ҳисоб сиёсатида ҳам узоқ муддатли инвестицияларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритишга доир барча маълумотлар очиқ берилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
2. Қудратов Ш.Ғ. Ўзбекистон Республикаси фонд бозори ва унинг ривожланишига таъсир қилаётган асосий муаммолар. *Международный научный журнал № 2 (100), част 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022. С. 688.*
3. Султонов Ш.Н. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш йўллари. *Иқтисодиёт ва таълим / 2022-йил 5-сон.*
4. Нурмухамедов А.А. Нурмухамедова Б.И. Фонд бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги. "Скиэнке анд Эдукатион" Скиэнтифик Жоурнал. / ИССН 2181-0842 Марч 2023 / Волуме 4 Иссуэ 3